

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭШОВ МАНСУР ПУЛАТОВИЧ**

**КОРХОНАНИНГ ФУНДАМЕНТАЛ ҚИЙМАТИНИ БОШҚАРИШ**  
**МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.13 - Менежмент**  
**08.00.07 - Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Эшов Мансур Пулатович**

Корхонанинг фундаментал қийматини бошқариш  
методологиясини такомиллаштириш..... 3

**Эшов Мансур Пулатович**

Совершенствование методологии управления  
фундаментальной стоимостью предприятия ..... 31

**Eshov Mansur Pulatovich**

Improving the methodology for managing the  
fundamental value of an enterprise ..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 63

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭШОВ МАНСУР ПУЛАТОВИЧ**

**КОРХОНАНИНГ ФУНДАМЕНТАЛ ҚИЙМАТИНИ БОШҚАРИШ**  
**МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.13 - Менежмент**  
**08.00.07 - Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Iqt37 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларида жойлаштирилган.

**Расмий оппонентлар:**

**Абдурахмонов Қаландар Ходжаевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, академик

**Жумаев Нодир Хосиятович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Суёнов Дилмурод Холмуродович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» «\_\_\_\_\_» соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871)234-46-26, e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz).

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 1000000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871)234-46-26.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б. Ташмуродова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**С. Мехмонов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор

**И. Қузиев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш қошидаги бир марталик Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон амалиётида кейинги йилларда корхоналар бошқарувида замонавий менежментнинг йўналишларидан бири – қийматни бошқариш концепциясининг кетма-кет жорий қилинишидир. Мулк эгалари (акциядорлари) даромадларининг ўсиши корхонага қўшимча киритилган қувватлар ҳажми, ёлланган ходимлар сони ёки компания айланма маблағлари миқдорига эмас, балки улар эгалик қилаётган корхона қийматининг ошишига боғлиқ. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги даврда хорижий давлатларда корхоналар бозор қийматини бошқаришдан, унинг фундаментал қийматини баҳолаш ва бошқариш тизимига ўтиш кузатилмоқда. Хусусан, «дунё ЯИМнинг қарийб 85 фоизини ташкил этувчи АҚШда 20,5 трлн.АҚШ доллари (23,9 фоиз), Хитойда 13,6 трлн.АҚШ доллари (15,9 фоиз), Японияда 4,9 трлн.АҚШ доллари (5,8 фоиз) Германияда 3,9 трлн.АҚШ доллари (4,7 фоиз), Буюк Британияда 2,8 трлн.АҚШ доллари (3,3 фоиз), Францияда 2,8 трлн.АҚШ доллари (3,2 фоиз)»<sup>1</sup> қийматни бошқариш концепцияси учун жорий қилинмоқда. Ушбу концепция негизда корхона ресурсларидан самарали фойдаланиш ва унинг энг юқори молиявий натижаларини таъминлаш ғояси ётади.

Дунёда корхонанинг активларини баҳолаш бўйича Жаҳон банкининг Иқтисодий ривожланиш институти<sup>2</sup>, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг<sup>3</sup>, Мулкни баҳолаш стандартлари бўйича халқаро қўмита, Баҳоловчилар ассоциациясининг Европа гуруҳи каби халқаро ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар корхоналарда бозор қийматини бошқаришда унинг фундаментал қийматини баҳолашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатмоқда. Мазкур тадқиқотларда корхоналар қийматининг ўсишини таъминлаш уларнинг инновацион ривожланишига инвестициялар жалб этишнинг ички (фундаментал) омилларига эътибор қаратишда самарали йўл эканлиги исботланган. Ушбу ғояларни ўз фаолиятига татбиқ этган «Apple» компаниясининг 2018 йилдаги бозор қиймати 961,3 млрд.АҚШ долларини, Microsoft компаниясининг бозор қиймати 946,5 млрд.АҚШ долларни, Amazon.com компаниясининг бозор қиймати 946,5 млрд.АҚШ долларини ташкил этди<sup>4</sup>. Шунингдек, амалга оширилган тадқиқотларда қўшилиш йўли билан қайта ташкил этиш жараёнида корхона қийматини баҳолаш, инвестицион-инновацион лойиҳаларнинг корхона қийматидаги улушини баҳолашни таҳлил қилиш усуллари, корхона қийматини стратегик бошқаришнинг концептуал жиҳатлари, стейкхолдерлар билан ўзаро ҳамкорлик асосида қўшилиш ва эгаллаб олиш жараёнида фирма қийматини бошқариш, акциядорлик корхоналари қийматини бошқариш, корхона қийматини бошқаришнинг

<sup>1</sup> [www.m.statisticstimes.com](http://www.m.statisticstimes.com).

<sup>2</sup> [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org).

<sup>3</sup> [www.worldbankgroup.org](http://www.worldbankgroup.org).

<sup>4</sup> [www.statistista.com](http://www.statistista.com).

ташкилий-иқтисодий усуллари ва моделларини ишлаб чиқиш масалалари кенг ўрганилган. Лекин корхона қийматини шакллантирувчи омиллар, драйверларни аниқлашга қаратилган ёндашувларни таҳлил қилиш, корхонанинг активлари қийматини баҳолаш, ликвидлилик коэффициенти, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик ва рентабеллик даражасини таҳлил қилиш асосида уларнинг молиявий ҳолатини комплекс баҳолаш масалалари етарлича илмий тадқиқ этилмаган.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда йирик инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилиши туфайли янги ишлаб чиқариш объектлари ва қувватларининг ишга туширилиши саноат корхоналарини модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнининг янада чуқурлашувига ёрдам берди. Буларнинг барчаси корхоналар қийматининг ўсишига катта таъсир кўрсатди. Бугунги кунда энг муҳим вазифалар қаторида хусусий мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусан, корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ва қийматини оширишга таъсир кўрсатувчи самарали стратегик бошқарув тизимига ўтиш белгилаб берилган. Ушбу устувор вазифаларни ўз вақтида ҳал этиш корхона қийматини самарали бошқариш методологиясини хорижий тажрибалар асосида корхоналар ривожланишининг ички салоҳиятини тавсифловчи фундаментал қийматни баҳолаш ва бошқаришни ҳисобга олиб такомиллаштириш талаб этилади. Бунда корхоналар бозор қийматини анъанавий молиявий ва бошқарув ёндашувларига асосланган фундаментал қийматни бошқаришни тавсифловчи тизимни яратиш муҳим ҳисобланади. Шунингдек, тизимли ёндашув асосида корхонанинг фундаментал қийматини бошқаришнинг жаҳон илм-фанида ишлаб чиқилган назарий ва илмий-методологик қоидаларини такомиллаштириш орқали Ўзбекистон иқтисодиёти шароитига мослаштириш ва уни амалиётга жорий этиш усул ҳамда воситаларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5646-сон «Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 27 мартдаги ПҚ-4249-сон «Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 1 июлдаги ПҚ-4381-сон «Баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда паст рентабелли ва фаолият юритмаётган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш механизмларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сон «Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 30 майдаги ПҚ-4348-сон «Электротехника саноатини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва тармоқнинг инвестициявий ҳамда экспорт

салоҳиятини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи**<sup>5</sup>. Корхонанинг фундаментал қийматини баҳолаш ва бошқариш методологияси билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, American Institute for Economic Research, International bank of reconstruction and development, World Finance, World Acceptance Corporation, McKinsey&Co, HOLT Value Associates, University of Harvard, Columbia University (АҚШ), International Valuation Standards Council, L.E.K. Consulting, Oxford University (Буюк Британия), International Bank for Economic Cooperation, The European Group of Valuers' Associations, Strategic Management Society (Европа), Россиянинг Илмий тадқиқот молия институти (НИФИ), Москва давлат университети Молия факультети, Санкт-Петербург иқтисодиёт университети, Олий иқтисодиёт мактабларида олиб борилган.

Корхонанинг фундаментал қийматини баҳолаш ва бошқариш методологияси бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор, шу жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: корхона активларини баҳолаш методологияси ишлаб чиқилган (American Institute for Economic Research-АҚШ); корхона қийматини бошқариш концепциясини унинг ўсишига таъсирини баҳолаш усули ишлаб чиқилган (McKinsey&Co, L.E.K. Consulting, HOLT Value Associates-АҚШ); кўчмас мулкнинг молиявий ҳисоб-китоби тамойиллари ишлаб чиқилган (World Finance-АҚШ); фундаментал қийматнинг молиявий ҳисоботларда акс эттиришнинг концептуал асослари ишлаб чиқилган (Oxford University-Буюк Британия, Олий иқтисодиёт мактаби – Россия); корхона қийматини аниқлашда баҳолашнинг даромадли ва харажатли ёндашувлари ишлаб чиқилган (International Valuation Standards Council-Буюк Британия); корхоналарда инвестицион-инновацион лойиҳаларнинг корхона қийматидаги улушини баҳолаш учун Economic Value Added усули татбиқ этилган (University of Harvard-АҚШ).

Халқаро даражада корхона фундаментал қийматини бошқариш методологик асосларини такомиллаштириш бўйича, хусусан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: умумжаҳон корпорацияси кичик кредитларни молиялаштириш фаолияти билан шуғулланиш билан

---

<sup>5</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи [www.aier.org](http://www.aier.org); [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org); [www.worldbankgroup.org](http://www.worldbankgroup.org); [www.mgu.ru](http://www.mgu.ru); [www.nifi.ru](http://www.nifi.ru); [www.ey.com](http://www.ey.com); [www.value.lu](http://www.value.lu); [www.iprcn.com](http://www.iprcn.com); [www.mse.msu.ru](http://www.mse.msu.ru); [www.bloomberg.com](http://www.bloomberg.com); [www.mckinsey.com](http://www.mckinsey.com); [www.referenceforbusiness.com](http://www.referenceforbusiness.com); [www.loansbyworld.com](http://www.loansbyworld.com); [www.harvard.edu](http://www.harvard.edu); [www.home.kpmg.com](http://www.home.kpmg.com); [www.ox.ac.uk](http://www.ox.ac.uk); [www.strategicmanagement.net](http://www.strategicmanagement.net); [www.ras.ru](http://www.ras.ru); [www.isma-edu.eu](http://www.isma-edu.eu) ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

биргаликда, истеъмолчилар томонидан гаровга қўйилган активларнинг ҳақиқий ва бозор қийматини аниқлаш услубиётини ишлаб чиқиш; кредит молия ташкилотлари қийматини бошқаришнинг бойликлар занжири яратишга йўналтирилган бошқарув концепциясини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш; акциядорлик корхоналари қийматини стратегик бошқаришнинг концептуал жиҳатлари: акциядорлар билан ўзаро ҳамкорлик асосида интеграллашув жараёнида фирма қийматини бошқариш тамойилларини ўрганиш; акциядорлик корхоналари қийматини бошқариш ҳамда корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий моделларини тадқиқ этиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Корхоналар қийматини бошқариш, инвестицияларни жалб қилиш йўли билан уни босқичма-босқич ошириш, корхоналарни инновацион ривожлантириш ва активларини баҳолашнинг методологик асослари хорижий муаллифларнинг илмий асарларида кенг тадқиқ этилган. Қиймат назарияси масалалари билан А.Маршалл, Ж.Милль, Д.Рикардо, А.Смит ва бошқа кўпгина классик иқтисодий назария мактаби вакиллари шуғулланганлар<sup>6</sup>. Макроиқтисодий муносабатларнинг турли жиҳатлари, корхоналарнинг яратилиши сабаблари ва фаолияти С.Л. Брю, К.Р. Макконелл, Р.Г. Коуз, В.Д. Нордхаус, С.П. Роббина, П.А. Самуэльсон, А. Стрикленд, А. Томпсон ва бошқа иқтисодчилар ишларида баён қилинган<sup>7</sup>.

Корхоналар қийматини баҳолаш ва бошқариш масалалари бўйича асосий назарий ишланмалар: Ф.Блэк, Дж.Бреннан, Т.Гордон, Г.Десмонд, А.Дамодаран, Р.Каплан, Р.Келли, Т.Коллер, Т.Коупленд, М.Миллер, Ф.Модильяни, Ш.Пратт, С.Сандер, Д.Фридман, К.Шиппер ва бошқа муаллифларнинг ишларида баён қилинган<sup>8</sup>. Г.Александр, Д.Бэйли, Л.Гитман, М.Джонк, Д.Линтнер, Х.Марковиц, С.Росс, У.Шарплар акциялар

---

<sup>6</sup> Маршалл А. Принципы экономической науки. Т. 1. и 2. - М.: Издательство РОО, 1996; Милль Дж. Основы политической экономии. Пер. с англ. - Т. 1-3. - М.: Прогресс, 1980; Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. Том 1. Пер. с англ. - М.: Госполитиздат, 1955.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: Эксмо, 2007. - Серия: Антология экономической мысли. - 960 с.

<sup>7</sup> Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В 2-х т.: Пер. с англ. - М.: Республика. - 1992. - Т. 1. - 400 с.; Коуз Р.Г. Природа фирмы: истоки; Природа фирмы: истолкование; Природа фирмы: влияние; Нобелевская лекция «Институциональная структура производства»: в сб.: Природа фирмы. / О.И. Уильямсо, под об. ред. С.Дж. Уинте; пер. с англ.; ред. пер. В.Г. Гребенников. - М.: Дело, 2001; Качалов Р.М. Управление хозяйственным риском производственных систем // Экономика и математические методы. - 1997. - Т.33. - Вып. 4. - С. 25-38.; Самуэльсон П.А., Нордхаус В.Д. Экономика: Пер. с англ. - М.: БИНОМ, Лаборатория Базовых Знаний, 1997. - 800 с.; Роббинз С.П. Менеджмент. - 8-е изд. - Киев: Вильямс, 2007.; Тамбовцев В.Л. Формальное и неформальное в управлении экономикой. - М.: Наука, 1990.; Томпсон А.А., Стрикленд А.Дж. Стратегический менеджмент. Концепции и ситуации: Учеб. для вузов: Пер. с 9-го англ. изд. - М.: ИНФРА-М, 2000.

<sup>8</sup> Fischer Black, Myron Scholes, & Micheal Jensen. «The Capital-Asset Pricing Model: Some empirical tests», in Jensen, editor, Studies in the Theory of Capital Markets, 1972.; Бреннан Дж., Бьюкенен Дж. Причина правил. Конституционная политическая экономия = The Reason of Rules. - СПб.: Экономическая школа, 2005. - 272 с.; Гордон Т. Общественные блага, распределение и поиск ренты = Public Goods, Redistribution and Rent Seeking. - М.: Изд-во Института Гайдара, 2011. - 224 с.; Десмонд Г.М. Руководство по оценке бизнеса. - М.: РОО Академия оценки, 1996. - С. 152-181.; Дамодаран А. Инвестиционная оценка. Инструменты и техника оценки любых активов. Пер. с англ. -М.: Альпина Бизнес Букс, 2004. - 1342 с.; Каплан Р., Нортон Дж. Организация, ориентированная на стратегию. Пер. с англ. -М.: Олимп-Бизнес, 2004. - 416 с.;

қийматини белгилаш ва молиявий активлар учун нархлаш моделларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлар<sup>9</sup>.

МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимларидан: В.Л.Тамбовцев, Р.М.Качалов, Т.В.Теплова, Ю.В.Козырь, С.В.Валдайцев ва Т.В.Краминлар томонидан корхоналар қийматини баҳолаш ва бошқариш муаммолари бўйича бир қатор тадқиқотлар ўтказилган, жумладан, иқтисодий фойда концепциясига асосланган; кредит молия ташкилотлари қийматини бошқаришнинг бойликлар занжирини яратишга йўналтирилган бошқарув концепциясини амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш; қўшилиш йўли билан қайта ташкил этиш жараёнида корхона қийматини баҳолаш; инвестицион-инновацион лойиҳаларнинг корхона қийматидаги улушини баҳолаш учун Economic Value Added усулини таҳлил қилиш; стейкхолдерлар билан ўзаро ҳамкорлик асосида қўшилиш ва эгаллаб олиш жараёнида фирма қийматини бошқариш; акциядорлик корхоналар қийматини бошқариш, корхона қийматини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий усуллари ҳамда моделларини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Корхона қийматини баҳолаш ва бошқариш масалалари мамлакатимиз олимлари: Д.Акназаров, Б.Беркинов, Ш.Зайнутдинов, Б.Ходиев, Н.Жумаев, А.Бурханов, Н.Каримов, А.Кравченко, Ж.Сагдуллаев ва бошқаларнинг ишларида ўз аксини топган.<sup>10</sup> Кўрсатиб ўтилган муаллифларнинг ишлари, шубҳасиз, корхонанинг қийматини бошқариш назариясига катта ҳисса қўшади. Аммо корхонани бошқариш муаммосининг мураккаблиги ва кўп қирралилиги туфайли мазкур тадқиқотларда унинг барча жиҳатлари етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Корхоналар қийматини баҳолаш хорижий мамлакатлар тажрибасини Ўзбекистон шароитига мослаштириш, корхоналар қийматини бошқариш методологиясини мамлакатимиз корхоналарига мослаб ишлаб чиқиш мақсадида бошқарувнинг умумий қабул қилинган усуллари қўллашни илмий асослаш зарурияти мавжуд.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур илмий иш Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Ф-1-68 «Трансакциялар ва трансакция харажатларини бошқаришнинг илмий-методологик асосларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги (2012-2016 йй.) фундаментал ва ИТД-2-20 «Корхона қийматини бошқариш методологиясини такомиллаштириш ва уни рейтинг

<sup>9</sup> Гитман Л.Дж., Джонк М.Д. Основы инвестирования. Пер. с англ. - М.: Дело, 1999. - 1008 с.; Lintner J. Some new perspectives on tests of CAPM and other capital asset pricing models and issues of market efficiency, John Lintner Harvard Institute of Economic Research Discussion Paper, 1981.

<sup>10</sup> Акназаров Д. Пути и средства активизации потенциала управления. - Т.: Шарк, 2002. - 191 с.; Беркинов Б.Б. Корпоративные структуры (основы создания и управления). - Т.: Изд. Нац. биб-ки Узбекистана им.А.Навои, 2005, -с.132., Зайнутдинов Ш.Н., Муракаев И.У., Шермухамедов А.Т., Сагдуллаев Д.Т., Кучаров А.С. Менеджмент асослари. Ўқув қўлланма. Т.: Молия, 2001. - 208 б.; Сагдуллаев Д.Т., Зайнутдинов Ш.Н. Оценка эффективности управления экономикой. Монография. -Т.: изд-во ТГЭУ, 2003.; Сагдуллаев Д.Т. Некоторые проблемы повышения эффективности систем управления //Аспирант и соискатель. -Москва, 2001. -№3. -С.75- 76; Ходиев Б., Беркинов Б., Кравченко А. Оценка бизнеса. -Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2007.; Жумаев Н.Х. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози: моҳияти, сабаб-оқибатлари ва Ўзбекистонга таъсири. -Тошкент, 2009.; Бурханов А.У. Корхоналар молиявий барқарорлиги: назария ва амалиёт. Монография. -Тошкент: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2019. -160б.

баҳолашнинг миллий тизимини ишлаб чиқиш» мавзусидаги (2012-2014 йй.) амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** корхонанинг фундаментал қийматини бошқариш методологиясини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

корхона қийматини баҳолаш ва бошқаришнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ қилиш ва умумлаштириш;

корхона қийматини бошқаришнинг концептуал ҳолатларини тадқиқ қилиш ва уни амалга ошириш механизмларини белгилаш;

корхона қийматини бошқаришнинг методологик жиҳатини бойитиш;

корхона қийматини шакллантирувчи омиллар, драйверларни аниқлашга қаратилган ёндашувларни таҳлил қилиш, уларни бир тизимга келтириш;

қийматнинг ўсиши ёки камайиши хусусиятларини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини шакллантириш ва уларни баҳолашга услубий ёндашувларни ишлаб чиқиш;

корхонани бошқариш учун корхона ва унинг активлари қийматини баҳолаш предметини очиб бериш;

бошқарувнинг асосий моделларини асослаш ва корхона қийматини оширишнинг инвестицион (инновацион) лойиҳалар улушини жадаллаштиришга таъсирини асослаш;

корхонада инновацион лойиҳалар амалга оширилиши шароитида унинг қиймати ўсишининг мониторинги методологиясини тадқиқ қилиш;

саноат корхоналарининг ликвидлилик коэффиценти, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик ва рентабеллик даражасини таҳлил қилиш асосида уларнинг молиявий ҳолатини комплекс баҳолаш;

корхонани комплекс баҳолаш асосида унинг ўрта муддатли истиқболдаги прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;

саноат корхоналарининг фаолият кўрсаткичларини таҳлил қилиш, уларнинг прогнозини ишлаб чиқиш ва корхона пул оқимларининг ўсиши (пасайиши)га таъсирини баҳолаш; пул оқимларини дисконтлаштириш усули асосида корхонанинг фундаментал қийматини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида «Ўзбекэнерго» АЖ таркибидаги корхоналарнинг фундаментал қийматини бошқариш жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, корхона қийматини бошқариш жараёнида юзага келадиган молиявий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тизимли ёндашув, иқтисодий-статистик, таққослаш, омилли ва таркибий таҳлил, статистик гуруҳлаш, илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индуктив ва дедуктив усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

фундаментал қийматни аниқлаш, ошириш ва самарали бошқариш ҳамда молиявий барқарорлик, инвестицион фаоллик ва қийматни максималлаштиришни таъминловчи корхона фундаментал қийматини бошқаришнинг концептуал усули такомиллаштирилган;

корхоналар бозор қийматини анъанавий молиявий ва бошқарув ёндашувлари билан тўлдиришга асосланган фундаментал қийматни тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини шакллантириш асосида баҳолаш усули таклиф этилган;

фундаментал қийматни уч йўналишда мониторинг қилиш орқали корхонанинг бозор қийматини максималлаштиришга қаратилган бошқариш тизими ҳамда уни жорий қилиш босқичи асосланган;

рентабеллик кўрсаткичларининг корхона фундаментал қийматига таъсирини аниқлаш асосида корхоналар фаолиятини самарали бошқариш ва истиқболда ривожлантиришнинг устувор йўналиши белгиланган;

корхона қийматини бошқаришга таъсир этувчи омиллар қийматни ҳаракатлантириш, ўстириш, барқарорлик ва рақобатбардошликни таъминлаш асосида уни асосий стратегияларини белгиловчи таснифи ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

фундаментал қийматни бошқаришнинг назарий ва методологик жиҳатлари такомиллаштирилган ва тизимли ёндашув асосида корхонани бошқаришда қўлланиладиган воситаларнинг муаллиф томонидан ишлаб чиқилган таърифлари ва тавсифлари асосланган;

саноат корхонаси қийматига унинг молиявий фаолияти натижалари (тушум, ялпи фойда, маҳсулот таннархи, харажатлар, фаолиятдан олинган даромадлар, солиқлар тўлашгача бўлган фойда ва соф фойда)нинг таъсир йўналиши асослаб берилган;

турли услубий ёндашувларни ўрганиш ва умумлаштириш асосида корхоналар бозор қийматини бошқаришнинг концептуал қоидалари асослаб берилган;

корхоналар қийматини самарали бошқаришнинг акциядорлар ва корпоратив муносабатларнинг бошқа манфаатдор томонлар манфаатлари мувозанатини ҳисобга оладиган механизми ишлаб чиқилган;

молиявий барқарорликнинг корхона фундаментал қийматининг ошишига таъсири асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва «Ўзбекэнерго» АЖнинг статистик маълумотларидан олинганлиги ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган илмий хулоса ва ишлаб чиқилган тавсиялардан республикамизда фаолият юритаётган корхоналар, жумладан, акциядорлик жамиятлари фундаментал қийматини баҳолаш ва бошқаришни ташкил этиш ҳамда такомиллаштиришга эришишни таъминлаши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган амалий таклифлар ва тавсияларнинг жорий этилиши корхоналарнинг жорий ҳолатини баҳолаш, бошқарувчи таъсирларнинг концептуал йўналишларини белгилаш, корхонанинг ташкилий тузилишини қайта ташкил этиш тадбирларини амалга ошириш ва давлат мулкани сотишнинг бошланғич нархини белгилаш имконини яратиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Корхонанинг фундаментал қийматини бошқариш методологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

фундаментал қийматни аниқлаш, ошириш ва самарали бошқариш ҳамда молиявий барқарорлик, инвестицион фаоллик ва қийматни максималлаштиришни таъминловчи корхона фундаментал қийматини бошқаришнинг концептуал усули такомиллаштирилган бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5646-сон фармонининг 2-бўлим еттинчи бандида ўз аксини топган («Электрқишлоққурилиш» АЖнинг 2019 йил 10 октябрдаги ЖО-01-21/2943-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф корхоналар фаолияти самарадорлигини таъминлаш, бозор шароитида корхоналарнинг ривожланиш имкониятларини тавсифловчи фундаментал қийматни бошқаришга хизмат қилган;

корхоналар бозор қийматини анъанавий молиявий ва бошқарув ёндашувлари билан тўлдиришга асосланган фундаментал қийматни тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини шакллантириш асосида ишлаб чиқилган баҳолаш усули «Электрқишлоққурилиш» АЖ амалиётига жорий этилган («Электрқишлоққурилиш» АЖнинг 2019 йил 10 октябрдаги ЖО-01-21/2943-сон маълумотномаси). Мазкур баҳолаш усули «Электрқишлоққурилиш» АЖ амалиётига жорий этилиши ҳисобига корхонанинг жорий қиймати 2019 йилда 12135150,8 минг сўмни ташкил этган бўлса, фундаментал қиймати 15775696,04 минг сўмни ташкил қилган;

фундаментал қийматни мониторинг қилиш орқали корхонанинг бозор қийматини максималлаштиришга қаратилган бошқариш тизими ҳамда уни жорий қилиш бошқичлари бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5646-сон Фармонининг 1-бўлим олтинчи бандида ўз аксини топган («Электрқишлоққурилиш» АЖнинг 2019 йил 10 октябрдаги ЖО-01-21/2943-сон маълумотномаси). Натижада, корхонанинг молиявий ва бошқарув ёндашувларини тўлдиришга асосланган фундаментал қийматини бошқаришнинг янги тизими шаклланган;

рентабеллик кўрсаткичларининг корхона фундаментал қийматига таъсирини аниқлаш асосида Ўзбекистон корхоналар фаолиятини самарали бошқариш ва истиқболда ривожлантиришнинг устувор йўналиши бўйича берилган таклиф «Электрқишлоққурилиш» АЖ амалиётига жорий этилган («Электрқишлоққурилиш» АЖнинг 2019 йил 10 октябрдаги ЖО-01-21/2943-сон

маълумотномаси). Мазкур таклифни «Электрқишлоққурилиш» АЖ амалиётига жорий этилиши ҳисобига корхонанинг пул оқими 2018 йилда ўтган йилга нисбатан 54,6%га ошди ва 14 153 723 минг сўмни ташкил қилган. Пировардида, корхонанинг рентабеллик даражаси мос равишда 4,5%га ва активлар рентабеллиги – 17,7%га ошишига олиб келган;

корхона қийматини бошқаришга таъсир этувчи омиллар қийматни ҳаракатлантириш, ўстириш, барқарорлик ва рақобатбардошликни таъминлаш асосида уни асосий стратегияларини белгиловчи таснифи бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5646-сон Фармонининг 2-бўлим бешинчи ва олтинчи бандларида инобатга олинган («Электрқишлоққурилиш» АЖнинг 2019 йил 10 октябрдаги ЖО-01-21/2943-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф корхонанинг қиймати ва инвестиция лойиҳаларининг қийматга қўшган ҳиссасини баҳолаш тамойиллари ва усулларини биргаликда қўллашни назарда тутувчи синергетик самарага эришиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация тадқиқотининг асосий ғояси ва натижалари маърузалар шаклида 5 та халқаро, 7 та республика илмий-амалий конференцияларида баён этилган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 28 та илмий иш, шу жумладан, 2 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 214 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Корхона фундаментал қийматини бошқаришнинг назарий ва илмий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида тадқиқотнинг илмий-назарий, методологик ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган, корхонанинг бошқарув тизимини унинг қийматини кўпайтиришга

йўналтириш зарурлиги асослаб берилган. Корхона фундаментал қийматини бошқаришнинг тамойиллари ва вазифалари, молиявий барқарорлик, инвестицион фаоллик ва қийматни максималлаштиришга қаратилган корхона фундаментал қийматини бошқариш юзасидан концептуал жиҳатдан такомиллашган таклифлар ишлаб чиқилган.

Корхонанинг бозор қийматини бошқариш концепцияси қўшимча ёлланган ишчилар сони, қўшимча айланма маблағ ёки ишлаб чиқаришга сарфланган қўшимча ресурслар миқдорини ошириш ҳисобига қийматни ошириш глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитларида ўзининг асоссиз эканлигини кўрсатди.

Корхонани бошқаришнинг энг янги концепциясини унинг фундаментал қийматини яратиш ва ўстиришга қаратилган бошқарув сифатида қараш лозим. Фундаментал қиймат бизнес юритишнинг оптимал ва комплексли ўлчови ҳисобланади.

Корхона фундаментал қийматини шакллантирадиган асосий омил унинг рақобатбардошлиги, ўсиш омиллари эса, молиявий барқарорлик, инвестицион фаоллик ва жозибадорлик, шунингдек бозор қийматини оширишга хизмат қилувчи номоддий жиҳатлари ҳисобланади.

Корхона фундаментал қийматини бошқариш – корхона қийматини максималлаштириш жараёнига йўналтирилган фаолиятдир. Турли муаллифлар ёндашувларидан келиб чиқиб, бу борада қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

биринчидан, корхонани бошқаришга қиймат ёндашуви, барча даражаларда (директорлар кенгашидан менежерларгача) қийматни бошқаришни кўзда тутади;

иккинчидан, қийматни максималлаштириш бу – бир марталик вазифа эмас, балки узлуксиз ва қайтадан бошланадиган стратегик ва тезкор бошқарув қарорлари циклидир;

учинчидан, бу қийматни шакллантирадиган кўрсаткичларни тушунмасдан туриб, корхона қийматини самарали бошқариш мумкин эмас.

Корхонанинг қиймати ва уни бошқариш юзасидан кўплаб хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, асосан, корхона қийматини баҳолашда моддий қиймати ҳисобга олинган. Корхонанинг моддий қийматини оширишга хизмат қилувчи номоддий қийматлари ҳам мавжудки, уларни ҳисобга олмасдан туриб, корхона қиймати ва уни бошқариш юзасидан аниқ ва тўғри қарорлар қабул қилиш имкони бўлмайди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, корхонанинг бозор қиймати, асосий ва ишлаб чиқариш фондлари, кўчмас мулк ва ҳаракатдаги мулк, пул маблағлари, товар-моддий бойликлар, қимматли қоғозлар, дебиторлик қарзлари каби моддий қийматга эга бўлган кўрсаткичлар йиғинидисини ўз ичига олади.

Корхоналарнинг умумий (фундаментал) қийматини ҳисоблаганда, фақат унга бир томонлама ёндашилиб, бозор қийматигина назарда тутилади. Аслида эса, бозор қийматидан ташқари, корхонанинг қийматига қўшимча қиймат яратувчи номоддий қиймат кўрсаткичларининг ҳам ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ.

Шу нуктаи назардан корхоналарнинг фундаментал қийматини баҳолаш ва бошқариш мамлакат иқтисодиётида микро ва макро даражада ислохотлар ўтказиш ва уларга оид қарорлар қабул қилишда муҳим восита эканлиги асосланган ҳамда мавзуга доир муаллифлик ёндашуви таклиф қилинган.

Фикримизча, **корxonанинг фундаментал қиймати** – корxonани ҳар томонлама баҳоловчи моддий ва номоддий қийматлари йиғиндиси бўлиб, корxonанинг бозор қиймати ва уни максималлаштиришга олиб келувчи, ташкил этилган самарали бошқарув натижаларини ўзида акс эттирувчи барча иқтисодий кўрсаткичлар ва бошқарув тадбирларининг комплекс ўлчови. Бошқача айтганда, бу – кутилаётган сотув нархи – муайян вазиятда бутун корхона учун харидор тўлашга, сотувчи эса – объект учун қабул қилишга тайёр бўлган суммадир.

**Корxonанинг фундаментал қийматини бошқариш** деганда, корxонага ҳар томонлама баҳо берувчи барча кўрсаткичларни ва мавжуд активларни мунтазам ошириб бориш ҳисобига корxonанинг бозор қийматини максималлаштиришга хизмат қиладиган барча иқтисодий ва бошқарув тадбирларини ўз ичига олган замонавий бошқарув тизими тушунилади.


Корxона қийматини бошқаришнинг концептуал жиҳатлари таҳлилин амалга оширишда фундаментал қийматнинг бозор қийматига қараганда бир қатор афзалликларини ажратиш кўрсатиш мумкин (1-расм).



**1-расм. Корxonанинг фундаментал қийматини бошқариш<sup>11</sup>**

Шунингдек, мазкур фундаментал қийматни тавсифловчи элементларга асосланган бошқарув усули таклиф этилган ва корxонада бошқарув жараёнларининг самарадорлигини оширишга таъсир этишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган (2-расм).

<sup>11</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



**2-расм. Фундаментал қийматни тавсифловчи элементларга асосланган бошқарув усули<sup>12</sup>**

Ушбу усулга кўра, корхона фундаментал қиймати унинг бозор қиймати ва номоддий кўрсаткичлар қийматидан иборат бўлади. Бизга маълумки, корхонанинг бозор қиймати: асосий ва ишлаб чиқариш фондлари, кўчмас мулк ва ҳаракатдаги мулк, пул маблағлари, товар-моддий бойликлар, қимматли қоғозлар, дебиторлик қарзлари каби моддий қийматга эга бўлган кўрсаткичлар йиғинидисини ўз ичига олади. Номоддий кўрсаткичлар эса, корхоналарнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади.

Тадқиқот объекти ҳисобланган электроэнергетика тармоғи корхоналарининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда номоддий кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат:

- инновациялардан фойдаланиш даражаси;
- стартаплар ва венчурли лойиҳаларни инвестициялаш даражаси;
- техника ва технологияларнинг модернизацияланганлик даражаси;
- фаолиятнинг диверсификацияланганлик даражаси;
- товар қийматида импортнинг улуши;
- сотувда экспортнинг улуши;

<sup>12</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

самарали корпоратив бошқарувнинг қўлланилиши;  
 ишлаб чиқарилган товар ва хизматларида юқори қўшилган қийматга эга эканлиги;  
 рақобатбардошлик даражаси;  
 инвестицион фаоллиги ва инвестицион жозибадорлиги;  
 бошқарув сифати ва мижозлар билан ишлаш сифати;  
 интеллектуал капиталдан фойдаланиш даражаси;  
 яшил иқтисодиётга қўшаётган ҳиссаси (корхонанинг яшил компаниялардаги рейтинги);  
 ходимларнинг меҳнат самарадорлиги.

Корхонанинг номоддий кўрсаткичлари қийматини ҳисоблаш учун муайян корхонани мониторинг қилиб, 100 баллик тизимда баҳолаш орқали унинг ривожланиш даражаси коэффицентлари аниқлаб олинади ва корхонанинг фундаментал қиймати аниқланади:

**Корхонанинг фундаментал қиймати** =  $\text{КБК} + \sum_{k=1}^n \text{КБ} \cdot \frac{\alpha_k}{n}$ ,  
 бу ерда, КБК – корхонанинг бозор қиймати;

$$\alpha_k = \frac{\min(O_k)}{\max(O_k) - \min(O_k)}$$

Бу ерда,  $\max(O_k)$  ва  $\min(O_k)$ лар тадқиқот объекти ҳисобланган электроэнергетика тармоғи корхонаси номоддий кўрсаткичлар қийматларининг муайян даврдаги максимум ва минимум даражалари.

Диссертациянинг «**Энергетика соҳаси корхоналарининг ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш**» деб номланган иккинчи бобида, энергетика соҳасидаги корхоналарнинг молиявий ва иқтисодий ҳолати таҳлил қилинган.

Бугунги кунда, «Ўзбекэнерго» АЖ ўз таркибига лойиҳалаш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш ва фойдаланиш ташкилотларини олувчи мажмуавий ташкилот ҳисобланади ва табиий вертикал интеграциялашган монополиядан иборат. «Ўзбекэнерго» АЖ таркибига 49 та корхона, шу жумладан, 36 та акциядорлик жамияти, 6 та унитар корхона, 7 та масъулияти чекланган жамият киради. Вертикал интеграциялашув энергетика тизими самарадорлигининг янада ўсиши учун тўсиқ ҳисобланади, чунки фирма ичидаги алоқаларнинг мавжудлиги рақобатли муносабатларнинг ривожланиш имкониятларини истисно қилади, вертикал тизимга кирувчи компанияларнинг самарадорлигини ошириш захираларини қидириб топиш имкониятлари эса, объектив равишда чекланган. Соҳа корхоналари бошқариш тизимининг шаффоф эмаслиги ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланилмаётгани иш самарадорлиги ва натижавийлигини пасайтиради, ноишлаб чиқариш харажатларининг ошишига олиб келади. Фаолиятнинг зарарга ишловчи бўлинмалари ва йўналишларининг мавжудлиги компаниянинг бозордаги имижини пасайтиради ва капиталлашув даражасининг пасайишига олиб келади.

1-жадвалда тадқиқотимиз объекти ҳисобланган «Электрқишлоққурилиш» АЖ баланси тузилишининг ретроспектив кўрсаткичлари берилган.

Корхонанинг барча активлари ва пассивлари таҳлил қилинаётган давр мобайнида (2013–2018 йй.) 27,0 млрд. сўмдан 49,4 млрд. сўмгача ёки 1,8 баравар, узоқ муддатли активларнинг ўзи эса 3,2 бараварга ўсган.

**1-жадвал**

**«Электрқишлоққурилиш» АЖ баланси тузилишининг ретроспектив кўрсаткичлари<sup>13</sup>, млрд.сўм**

Кўрсаткичлар	2013 й.		2014 й.		2015 й.		2016 й.		2017 й.		2018 й.	
	Сумма	Яқунга нис. %										
<b>Активлар</b>	<b>27,0</b>	<b>100</b>	<b>33,4</b>	<b>100</b>	<b>38,5</b>	<b>100</b>	<b>39,6</b>	<b>100</b>	<b>45,2</b>	<b>100</b>	<b>49,4</b>	<b>100,0</b>
Узоқ муддатли активлар	3,8	14,2	6,7	20,1	9,7	25,2	8,6	21,9	10,3	22,9	12,3	24,9
Жорий активлар	23,2	85,8	26,7	79,9	28,8	74,8	30,9	78,1	34,8	77,1	37,1	75,1
<b>Пассивлар</b>	<b>27,0</b>	<b>100</b>	<b>33,4</b>	<b>100</b>	<b>38,5</b>	<b>100</b>	<b>39,6</b>	<b>100</b>	<b>45,2</b>	<b>100</b>	<b>49,4</b>	<b>100,0</b>
Ўз маблағлар манбалари	15,2	56,2	20,9	62	28,3	73,5	31,3	79,2	33,4	73,9	39,8	80,6
Мажбуриятлар	11,8	43,8	12,5	37	10,2	26,5	8,2	20,8	11,8	26,1	9,6	19,4

Бу кўрсаткичларнинг динамик таҳлили уларнинг мутлақ ўсиши ва ўсиш суръатларини белгилашга имкон беради, бу уларнинг корхона қиймати кўпайишига таъсирини таърифлаш учун муҳимдир.

«Электрқишлоққурилиш» АЖ молиявий натижалари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, маҳсулот сотишдан соф тушум 2018 йилда 80,7 млрд. сўмни ташкил қилгани ҳолда 2013 йилга нисбатан 12%га кўпайган (2-жадвал).

**2-жадвал**

**«Электрқишлоққурилиш» АЖнинг молиявий натижалари<sup>14</sup>, минг сўмда**

№	Кўрсаткичлар	Йиллар						Ўсиш суръати 2018 й. 2013 й.га нисбатан
		2013	2014	2015	2016	2017	2018	
1.	Маҳсулотларни сотишдан соф тушум	72,4	79,7	64,2	52,8	56,6	80,7	1,07
2.	Сотилган маҳсулотларнинг таннари	55,1	58,5	44,7	38,6	39,6	57,9	1,03
3.	Маҳсулотларни сотишнинг ялпи фойдаси	17,3	21,2	19,5	14,2	17,1	22,8	1,2
4.	Давр харажатлари	10,4	16,5	13,1	12,4	16,9	18,7	1,36
5.	Бошқа даромадлари	1,4	0,8	0,8	2,2	3,1	2,4	1,37
6.	Молиявий фаолиятнинг даромадлари	0,04	1,7	2,2	0,2	0,003	1,1	0,019
7.	Баланс фойдаси	8,3	7,0	9,1	4,1	3,1	7,4	0,75
8.	Соф фойда	6,7	5,7	7,5	3,6	2,6	6,2	0,71

<sup>13</sup> «Электрқишлоққурилиш» АЖнинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>14</sup> «Электрқишлоққурилиш» АЖнинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Тушумнинг ўсиши корхона маҳсулотига тўлов лаёқатига эга бўлган талаб динамикаси, демак, унинг рақобатбардошлиги умумий баҳосини беришга имкон яратади. Кўрсаткич бозор сиғими ўсишининг номинал суръатидан юқори бўлиши лозим, бу ташкилотнинг бозор улуши ўсишига олиб келади ва унинг маҳсулоти рақобатбардошлигидан далолат беради. Бу, ўз навбатида, корхона қийматини оширишга хизмат қилади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда республикада корхоналар фундаментал қийматини бошқаришнинг ривожланиши кенг доирадаги масалалар ва муаммоларни тизимли ҳал қилишни қатъий талаб қилади.

Корхона фундаментал қийматини бошқариш методологияси ундан амалиётда самарали фойдаланишга имкон берадиган муайян алгоритмлар билан таъминланишга эҳтиёж сезади.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг реал секторига инвестицияларни қўшимча жалб қилиш ва фойдаланиш самарадорлигини ошириш, республика фонд бозорининг ривожланишини фаоллаштириш ва жамиятнинг кенг қатламлари ишбилармонлик фаоллигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида корхоналар фундаментал қийматини бошқаришни такомиллаштиришни талаб этади (3-расм).



3-расм. Корхона фундаментал қийматини бошқариш методологиясини такомиллаштириш йўналишлари<sup>15</sup>


<sup>15</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Диссертация ишида корхона фундаментал қийматини бошқариш методологиясини такомиллаштириш йўналишлари сифатида корхона фундаментал қийматини шакллантирадиган омилларни таҳлил қилишнинг самарали усулларини шакллантириш, такомиллаштириш ва корхона фундаментал қийматининг жорий мониторингини ташкил қилиш ва ўтказиш кўрсатиб ўтилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу йўналишларни корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти натижаларининг сифат жиҳатидан замонавий ички хўжалик ҳисоби ва таҳлил тизимини шакллантириш ва жорий қилишсиз амалга ошириш кўзда тутилган инвестицион лойиҳалар ҳамда корхонани қайта таркиблаш лойиҳаларини асосланган тарзда баҳолаш, тизимли мониторингни амалга оширмасдан мақсадга эришиб бўлмайди.

Диссертациянинг «**Корхона фундаментал қийматини самарали бошқариш ва ошириш омиллари**» деб номланган учинчи бобида корхона фундаментал қийматининг ўсишига таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинган, баҳоланган ва самарали бошқариш имкониятларига оид хулосалар шакллантирилган.

Корхона фундаментал қийматини бошқариш концепцияси асосий йўналишлари янги товарларни ишлаб чиқариш, аввалдан ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматлар таннархини пасайтириш, корхона тузилмасини такомиллаштириш, уни ташкил этувчи бўлинмалар самардорлигини ошириш ҳамда корхона фундаментал қийматини ошириш мониторингини олиб бориш тадбирларини қамраб олувчи тизимли ёндашувдан фойдалангандагина амалга оширилиши мумкин (4-расм).



4-расм. Корхона фундаментал қийматини бошқаришда мониторинг йўналишлари<sup>16</sup>


Корхона фундаментал қийматини бошқариш концепциясига мувофиқ, мониторинг ўтказиш уч йўналишда амалга оширилиши лозим. Бунда дастлабки икки йўналиш мунтазам таҳлилни: амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича харид қилинган ёки ўз активларининг қолдиқ баланс қиймати ва бозор қийматини таҳлил қилишни; кўриб чиқиладиган усуллар пул оқимлари бўйича бизнес-режалар, ички рентабеллик меъёри ва у бўйича

<sup>16</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

аниқлаштириладиган даромадни ҳисобга олган ҳолда доимо қайта ҳисоблаб чиқиладиган таҳлилларни кўзда тутди.

Корхона янги қийматининг яратилиши янги юқори самарали технологиялар ва талаб қилинаётган янги товарларнинг ишлаб чиқариш усуллари кўзда тутувчи инновацион лойиҳалар ҳисобига таъминланади. Корхона қийматини бошқариш бўйича тадбирлар тизимида корхона тузилмасини қайта қуриш лойиҳаларини амалга ошириш ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

Корхона фундаментал қийматини бошқариш концепцияси объектив равишда уни амалга оширишнинг учта кенг кўламдаги чора-тадбирлар ва механизмлар тизимини кўзда тутди (5-расм).



**5-расм. Корхона қийматини бошқариш концепциясини амалга оширишга тизимли ёндашув<sup>17</sup>**

Корхона фундаментал қийматини бошқариш концепциясининг асосий қоидалари кўп режали эканлиги фақат янги товарлар ишлаб чиқариш, товарлар ва хизматлар таннархини пасайтириш, фаолият самарадорлигини ошириш, шунингдек, корхона фундаментал қийматини ошириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг ва амалий назоратни таъминлаш, тизимли ёндашувдан фойдаланиш самарали ҳисобланади.


Диссертацияда корхона фундаментал қийматини бошқариш тизими ишлаб чиқилган ва уни жорий этиш босқичлари асосланган.

Корхона қийматини бошқариш тизими, биринчидан, корхона қийматини бошқариш қийматнинг барча даражаларида бошқарувини кўзда тутди; иккинчидан, қийматни ошириш – стратегик ва оператив бошқарув қарорларининг узлуксиз ва тикланадиган давридир; учинчидан, қийматни

<sup>17</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

шакллантирадиган кўрсаткичларни билмасдан, корхона қийматини самарали бошқариш мумкин эмас.

Корхона тизимлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тизимини амалга оширишда унинг қийматини ошириш усули сифатида бизнес рискларини пасайтириш бўйича бошқарувга алоҳида ўрин ажратилиши лозим. Бунда опцион ва фьючерслардан фаол фойдаланиш, статистик ва диагностик хеджирлаш ва инвестицион истеъмолчиларни хеджирлашни кенг амалга ошириш лозим (6-расм).



**6-расм. Корхона қийматини бошқариш тизими босқичлари<sup>18</sup>**

Таъкидлаб ўтиш лозимки, йирик капитал қўйилмалар киритиш ва ишлаб чиқариш муддати узоқ бўлишини талаб қиладиган лойиҳаларни амалга ошириш беқарор иқтисодиёт ва инфляция суръати юқори бўлган шароитларда уларни пасайтириш корхона қийматини бошқаришнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланган рисклар билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Бунда ташкилотнинг ички ва ташқи томонларининг ўзаро мустаҳкам алоқаларни таъминлаш ҳамда ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини амалга ошириш заруратига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Корхонада манфаатдор шахслар, жумладан, акциядорлар фаровонлигининг ўсиши компания қийматининг ўсиши билан белгиланади. Бу доирада биз камида 3 йил давом этадиган, анча узоқ муддатли жараён саналган қийматни бошқариш тизимини жорий қилишни таклиф қиламиз.

Корхоналар фундаментал қийматини бошқариш концепциясининг татбиқ этилиши ва муваффақиятли ривожланиши корхоналар ва уларнинг

<sup>18</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

бошқарув жараёнига жалб қилинадиган таркибий қисмларни баҳолашга ёндашув ҳамда усулларнинг ривожланиши ва такомиллашуви билан узлуксиз боғлиқ.

Корхона фундаментал қийматини бошқариш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёни кўп сонли ва турли хўжалик юритувчи субъектлар манфаатлари нуқтаи назаридан акс эттирилган бўлиб, корхона фундаментал қийматини бошқариш концепциясини амалга оширишда асосий субъектларнинг манфаатлари таҳлил қилинди(7-расм).



**7-расм. Корхона фундаментал қийматини бошқариш концепциясини амалга оширишда асосий субъектларнинг манфаатлари таҳлили<sup>19</sup>**

Расмдан кўринадики, корхона қийматини бошқариш концепциясини амалга ошириш амалда ҳар қандай корхона фаолиятини такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши сифатида намоён бўлади ва бунинг оқибатида, у корхонани бошқариш бутун тизимини такомиллаштиришнинг таркибий қисмларидан бирига айланиши лозим.

Корхона қийматини бошқариш концепцияси, биринчи навбатда, муайян корхона инвесторлари ва мулкдорларининг манфаатларини максимал даражада ҳисобга олишга асосланади. Корхона қийматининг келажакдаги ўсиши йирик инвесторларни корхонани ривожлантиришга киритиладиган капитал қўйилмаларни оширишга рағбатлантиради.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, корхона қийматини бошқариш қуйидагиларни такомиллаштиришни ўз ичига олиши лозим:

<sup>19</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

корхоналарнинг фундаментал қиймати баҳосини шакллантирадиган омилларни таҳлил қилиш ва ҳисобга олиш усуллари;


ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш захираларини аниқлаш ва фойдаланиш бўйича корхоналар фаолияти;

самарали инновацион лойиҳалар ва корхоналарни қайта таркиблаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича фаолият;

корхона қиймати жорий мониторингини ташкил қилиш ва амалга ошириш ҳамда корхоналар фундаментал қиймати ўсишининг тезлашувига бошқарув таъсирини кучайтириш.

Корхона фундаментал қийматини бошқариш ушбу фаолият йўналишининг институционал, илмий-методологик таъминотини ривожлантириш, баҳолаш фаолиятини ва бошқарув соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни такомиллаштириш зарурати билан чамбарчас боғлиқ.

Бизнесни баҳолаш усуллариининг ҳозирги ривожланиши, корхона фундаментал қийматини бошқариш концепциясини менежментда қўллаш манфаатлардан келиб чиқадиган талабларга мослашиб олиши лозим. Бунинг учун, албатта, бошқарув соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Корхонани ривожлантиришнинг асосий стратегиялари операцион, инвестицион, молия ва фундаментал стратегияларини амалга оширишдан иборат (8-расм).



**8-расм. Корхонани ривожлантириш асосий стратегиялари ва уларни амалга ошириш усуллари<sup>20</sup>**

